



2016 y. «12» 06 dagi МТР 6-son

**“Махсус техник регламентни
қабул қилиш түғрисида”**

ҚАРОР

Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш түғрисида”ги Қонуни 8-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 30 июлдаги 207-сон Қарори билан тасдиқланган “2014-2018 йиллар учун техник регламентларни ишлаб чиқиш Дастури”га мувофиқ, шунингдек, сирли пўлат хўжалик идиш-товоқларининг хавфсизлигига қўйиладиган ягона талабларни белгилаш мақсадида, “Сирли пўлат хўжалик идиш-товоқларининг хавфсизлиги түғрисида”ги махсус техник регламентини қабул қилиш юзасидан,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Сирли пўлат хўжалик идиш-товоқларининг хавфсизлиги түғрисида”ги махсус техник регламенти иловага мувофиқ тасдиқлансан, ва расмий эълон қилинган пайтдан эътиборан олти ой ўтгач амалга киритилсин.
2. Ушбу қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб бир ой муддатда, “Ўзметкомбинат” АЖ, “Ўзстандарт” агентлиги билан биргалиқда стандартлаштиришга доир илгари қабул қилинган тегишли норматив ҳужжатлар инвентаризациясини ўтказсинлар.
3. “Ўзстандарт” агентлиги инвентаризация натижасига кўра, ўн беш кун муддатда стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларнинг мажбурийлик хусусиятини йўқотилиши ҳамда қўлланилишида ихтиёрийликни касб этиши юзасидан тегишли чоралар кўрилишини таъминласин.
4. “Ўзметкомбинат” АЖ ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргалиқда, оммавий ахборот воситаларида, тасдиқланган махсус техник регламентнинг мазмуни ва моҳияти ҳамда қўллаш тартибини кенг ёритилишини таъминласинлар.
5. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлашни ўз зиммамда қолдираман.

Бош директор

А.К. Курбанов